

ТОШКЕНТ

Оқшомчи

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газете 1986 йил 4 июлдан чика бошлаган.



№ 102 (6. 591)

1988 йил 4 май, чоршанба

Баҳоси 3 тийм

Коммунистлар анжумани шарафига

Шахсий белги билан

Фароғат Шотурсуновани чеварларнинг чевари дейишди. Дарҳақиқат, шундай. Ҳа, йилдири, у «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг эксперименталь цехида баракали меҳнат қилиб келяпти. Бирлашмада Ф. Шотурсуновани сифат жонкуяри деб ҳам аташди. Бу беиз эмас, албатта. У олти йилдири, ўзи тайёрлаган маҳсулотта шахсий тамга босмоқда.

Кейинги вақтда юқори меҳнат унвдорлигига қандай қилиб эришишни кўпроқ ўйлайдиган бўлиб қолдим, — дейди биз билан суҳбатда Фароғат Шотурсунова. — Бунинг омиллари кўп экан. Ишни аввало аралаш касбларини ағалладан бошладим. Чунки корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бир неча операциядан сўнг тайёр ҳолга келади. Бу жараёнда билан бир неча тикувчилар машғул бўлишади. Маҳсулотнинг сифатли бўлиши кўп жиҳатдан тикувчиларнинг малакасига ва маҳоратига боғлиқ. Сафимизда шундай чеварлар борки, улар ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида ишни уйдлаб кета оладилар. Барча жараёнларда яхши ишлай оладилар. Бу эса ўз-ўзидан бироз сабаб билан ниҳа чиқа олмаган ҳам-касблари ўрнини тўлдиршига ёрдам беради.

Мен тикув дастгоҳинини тўла қувватда ишлашини таъминлайман. Ўз малакамни ошириш ва меҳнатда илғор усуллارни қўллаш менга смена топириқларининг 140 процентдан бажариш ва юқори сифатли маҳсулот тайёрлаш имконини бермоқда. Корхонага келганимга 10 йилдан ошиб қолди. Бу йиллар мобайнида тикувчилик касбининг ўзига хос сирларини ўргандим. Эндиликда ўз таъжрибамни ёш чеварларга ўргатайман. Устозларим мени қандай қилиб касбимга масъулият руҳида тарбиялаган бўлсалар, мен ҳам шогирдларимга ана шундай муносабатда бўлайман. Ўзимни тикув машинасининг ва ниҳоят, корхонанинг ҳўжайинидек ҳис қиламан. Бу эса мени юқори унвдорликда ва сифатли ишлашга даъват этмоқда.

Мен коммунист сифатида социалистик мусобақанинг олдинги сафида боришни ва меҳнатда ўрнак бўлишни ўз бурчим деб биламан. Шунинг учун ҳам оширилган социалистик мажбурият қабул қилганим: ун иккинчи беш йилликнинг учинчи йили топириқларини Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси очиладиган кунгача бажараман.

Мурабий сифатида 6 ёш ишчига касб сирларини ўргатаман. Йиллик топириқни XIX партия конференцияси кунгача бажаришга аҳд қилганлар соин тобора кўпайиб борапти. Ўнлаб ишлаб чиқариш илғорлари ана шу ҳаракатга қўшилдилар. Корхонамиз конструктор ва модельерлари буюмлар хилини кўпайтиришга асосий эътиборин қаратмоқдалар.

Шу йили корхона 47 хил янги моделда кийимлар ишлаб чиқарса, шундан 4 хилгача «Янгилик» муҳри туширилади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури мўтазам янгиликлар билан бўлади.

Уларнинг сифати ва техника даражаси замон талабига мослаштирилди. Янги йилнинг ўтган ойлари мобайнида бирорта ҳам савдо ташкилотидан рекламация олмадик, бу маҳсулотларимизнинг ҳаридоригр бўлиши таъминланганлигидан далолат беради.

Сифат жонкуяри

Шогирди Каримнинг эҷиллик билан гишт теришини Абдурахмон завок билан кузатиб туради. Бирдан у нимадандир ранжиди. Ёш қурувчининг ёнига бориб, танбех берди:

— Биласанми, бир қурувчи ўз сменасида биттадан гишт тежаб қолганида мамлакатимизда йил бўйи тежалган гишдан 207 та тўққиз қаватли уй қурилган бўлар эди. Сен бўлсанг оёғинг остидаги гишт парчаларини ишлатиш ўрнига бутунини майдалайсан.

— Девор силлиқроқ чиқсин дегандим, — бош эгди шогирди.

— Деворни силлиқ чиқариш маҳоратга боғлиқ. Абдурахмон ака биров ошмади.

Яхши уста тежамкор бўлиши, синиқ гишлардан ҳам омилиқорлик билан фойдаланиши керак.

Уста шундай дейди-ю, деворнинг мураккаб жойини теришга ўзи енг шимариб киришиб кетди. Чиндан ҳам у бўлак гишлардан усталик билан фойдаланарди. Шогирди унинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб туради. Уста бир ордан сўнг унга қаради ва тасалли берди.

— Кўп ҳижолат кечкерида, ҳеч ким уста бўлиб тургилмаган. Қурувчида қўят, сабр-соқат бўлиши керак. Ана шунда ҳар бир иш сифатли бўлади, ортиқча исрофгарчилик бўлмайди.

— Бинокор А. Пўлдошев чорак асрдан бери ўз касбини эъозлаб келадиган фидойилардан, — дейди участка прораби Р. Раҳимбеков. — У ҳарбий хизматдан олдин ҳам шу ерда — «Гавташкентстрой»нинг 159-трести 61-қурилиш бошқармасида ишларди. Армияда ҳам қурувчи бўлди. Армиядан қайтгач, ҳамкасблари ўртасида ўзининг яхши фазиалларини билан ҳўрмат қозонган. Абдурахмонни бригада бошлиғи қилиб кўтаришди. Мана шу вақтдан бери қанча гишлар терилди, қанчадан-қанча уй-жой бинолар, мактаб, боғчалар бунёд этилди. У бошчилик қилаётган комплекс бригадаси 26 кишидан иборат бўлиб, интернационал оиладан ташкил топган. Коллектив ойлик ва квартал планларини доимо 125 процент бажармоқда. 20—25 минг сўмлик ўрнига 28—30 минг сўмлик бинокорлик ишларини амалга оширмоқдалар.

Абдурахмон бошчилик қилаётган бригадада йиллик лажарни Бутуниттифоқ XIX партия конференциясигача бажариш арасида турган бинокорларни ҳам учратиш мумкин. Шуниси қувончлики, бинокорлар план кетидан қувиб сифатни унутиб қолдирмайдилар. К. Саидов, И. Иброҳимов, В. Шинко сингари бинокорларнинг номларини фахр билан тилга олиш мумкин. Булар бригаданинг машғал қурувчилари ҳисобланишади.

Коллектив аъзолари «Ҳамма бир киши учун — бир киши ҳамма учун» шioriга астойдил амал қилишади. Бригаданинг деярли барча аъзоси бир неча турдош касбини пухта ағаллаб олганлиги тўғайли кейинги вақтда меҳнат унвдорлиги ортиб бораёпти.

Шу кунларда бригада аъзолари «Қизил Шарқ» массивида 1251 ўринли мактаб биносини қураётдилар. Бинони август ойида ўқувчиларга тахфа этиш бинокорларнинг эзгу ниятларидир.

Абдурахмон ака меҳрибон устоз ҳамдир. Унинг ўндан ортиқ шогирди ўзи билан ёнма-ён меҳнат қилади. — Бинокорлик шарафли касб, — дейди у, — яна шуниси қувончлики биз асосан болалар масканларини қура-миз. Замонавий мактаб биносидоги мавжуд 33 синф хонанинг тақороланмас нафис безаклари ўзига хос. Айниқса, олти ёшлилар учун алоҳида ёруғ синф хоналари ҳам мавжуд. Бу бино йилининг биринчи сентябрида ёшларга чинакам қувонч бағишлайди.

Инсонга ўз меҳнати самарасини кўриш эса энг буюк бахтдир.

Дилмурод ОБЛАЕВ.

БИЛДИРИШ

Тошкент жамоатчилиги ванилларининг Матбуот куни-га, Радио ва алоҳи ходимлари кунига бағишланган тантанали йиғилиши шу йил 5 майда А. Навоий номидаги театр биносига бўлади. Йиғилиш соат 16 дан 30 минут ўтганда бошланади.

Ташкилий комитет.

ЗАМОНДОШИМИЗ

Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига делегатликка номзодлар



Юксак ишонч

— Кейинги пайтда коллективимизда маънавий муҳит кескин соғломлашди, — деди биз билан суҳбатда «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Раҳмат Зинатович Хусанов. — Интернационал коллективда бу натта аҳамият касб этади. Коллективнинг жипслиги ошди, бир-биримизни тўғри ва аниқ тушунадиган бўлиб қолдик. Албатта бунда бирлашма партия комитетининг, айниса, унинг етакчиси Алишер Абдурахмоновнинг ҳиссаси каттадир.

Ҳа, директорининг гапига жон бор. Коммунист доимо бошқаларга ўрнак бўлиши, коллективни ўз ортидан янги мар-рлар сари илкомлантира билиши керак. Замондошимиз, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари Алишер Абдурахмонов ҳам ана шундай ҳислатларга эга. Қатъиятлик, поклик, янглик сари интилиш, энг муҳим масалаларни кўра билиш, замон билан ҳамоҳанг одимлаш унга хос фазилатлардир.

Ундаги ташаббускорлик бирлашма коммунистларини мажбу-риятларини муваффақиятли бажаришга даъват этмоқда. Ма-на қарийб 12 йилдирик, бирлашма турдош корхоналар ўрта-сидоги Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида голб чиқиб келяпти. Албатта бу ютуқларда А. Абдурахмонов етакчилиги қилаётган коммунистларнинг ҳиссалари каттадир. Шунинг учун ҳам бирлашма коллективининг номзодини бир овоз-дан Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси делегатлигига кўрсатдилар.

Ўзбекистон Компартияси Ревизия комиссияси аъзоси, Киров район партия комитети бюроси аъзоси, халқ депу-татлари Киров район Совети депутати, «Хўрмат белгиси» ордени ишондор Алишер Абдурахмонов бирлашма кол-лективининг ишончини албатта, оқлайди.

Т. ТОШЕВ.

СУРАТДА: Алишер Абдурахмонов ўғиллари Темур ва Руслан билан.

Р. Шарипов фотоси.

Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округининг 70 йиллигига

Ватанимизнинг жанубдаги қалқони

Бундан роппа-роса етмиш йил муқаддам — 1918 йилнинг 4 майида Владимир Ильич Ленин имзолаган Халқ Комиссарлари Со-ветининг декретига мувофиқ Туркистон Ҳарбий округи тузилди. Утган ана шу давр мобайнида округнинг минглаб жангчилари, комиссар ва командирлари граждандар урушида, фашизмга қарши курашда, Га-лабадан кейин мамлакатимизда мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашда ўзлари-нинг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Улар-дан кўллари Ватанимизнинг олий мукофот-ларига сазовор бўлишди.

Оталар ишини дадил давом эттираётган Қизил Байроқли Туркистон Ҳарбий округи-нинг шахсий состави ўз юбилейини катта ютуқлар билан кутиб олмақда. Унинг ўн-лаб қисми ва бўлиналари жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочилиқларидир. «Тошкент оқшомчи» муҳбири Қизил Бай-роқли Туркистон Ҳарбий округи пропаган-да ва агитация бўлими бошлиғи — Сиёсий бошқарма бошлиғининг ўринбосари пол-ковник Ю. А. КРАСИКОВдан туркистонлик баҳодирлар босиб ўтган шарафли йўл ҳа-қида гапириб беришни илтимос қилди.

— Юрий Алексеевич, суҳбатимизни Совет Қуролли Кучлари ва округ тарихида ҳарбий комиссарларнинг тўтган ролидан бошлашас.

— Жуда яхши савол. Себаби Туркистон Ҳарбий округининг тарихи Қуролли Кучлари-ми ташкилнинг бир бўлиғи. Зеро Қизил Армияда ҳарбий комиссарларнинг вужудга келиши ҳам.

Бизнинг Армиямизда комиссарлар 1918 йилдан бунён бор. Уша йили баҳорда партия Марказий Комитети ташаббуси ва кўрсатмаси билан ҳарбий комиссарлар институти ташкил этилди.

Ичкиюбининг биринчи кунлариданоқ Қизил Армия талантли, сиёсий раҳбарларга эга бўл-ди. Улар революцияга бўлган чексиз садо-катларини амалга кўрсатдилар, душманларга қарши курашда жасорат ва темир интизом-лари билан қизил аскарларга намуна бўлди-лар.

Коммунист партиянинг кўпгина кўзга кў-ринган арбоблари ҳарбий комиссарлар мак-табиде тобландилар. Уларнинг номи граждандар уруши тарихида зарҳал ҳарфлар билан ёзилди. Армия, флотияли, фронт революцион Ҳарбий Кенгашининг аъзолари — А. С. Буб-нов, К. Е. Ворошилов, В. В. Куйбишев, Н. Г. Маркин, Г. К. Ормонидзе, қисми ва қўшил-малар комиссарлари П. С. Батурин, П. В. Бах-туров, И. Д. Полухин, И. Д. Сладков, М. П.

Янишев каби оташин коммунистларнинг номи ҳеч қачон унутилмайди.

— Дарҳақиқат, Совет Армиясининг фашист-лар Германияси устидан қозонган оламшумул ғалабасида Туркистон Ҳарбий округининг кўнган ҳиссаси ҳақида ҳам гапириб берсан-гиз.

— Улуғ Ватан уруши йилларида Ўрта Осиё Ҳарбий округи ҳарбий кадрлар тайёрлаш ўчоғи бўлди. Урушнинг биринчи кунларида-ноқ округда худлик билан қисми ва қўшил-малар ташкил этилди ва ҳаракатдаги армияга саёрбёр этилди. Улардан ўнлаб бригада ва полклар ўз жанговар байроқларини шуҳрат-ларга буркашди, айрим дивизиялар эса гвар-диячи номини олди.

Москва остоналарида бўлган аёвсиз жанг-ларда генерал майор И. В. Панфилов кўмон-донлигини 316-ўқчи дивизия шахсий состави-нинг кўрсатган жасорати тилларда дoston бўлди. Панфиловчилар 33 кун мобайнида жон олиб, жон бериб ўз позицияларидан чекин-иш-мади. Шу дивизия составидаги И. В. Капоров командирлик қилган полкнинг 28 баҳодир-и 1941 йил 16 ноябрда Дубосеково разведкида душман танклар билан мардона олишиб, жонларини қурбон қилишди. Умуман туркис-тонликлар қайси фронтда бўлишмасин Бер-лингача бўлган йўлни шараф билан босиб ўтишди. Ватан уларнинг кўрсатган жасорати-

ни муносиб тақдирлади, 800 жангчига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди, шулар-дан 300 дан зиёди ўзбекистонликлар эди.

— Энди ўз ҳарбий биографиянинг ҳақида қисқача тўхталсангиз. Сиз хизмат қилган жо-йларда ўзбек офицерларнинг ўрнатганимиз?

— «Офицерлар» кинофильмидаги қаҳра-монлардан бири: меннинг касби Ватанин ҳи-моя қилиш. Шундай касб бор, дунёда дейди. Ёшларимизда шу йўлни танлаганимдан ҳеч аф-сулланмайман. Мана чорак асрдан ошибди-ли Совет Қуролли Кучларида хизмат қилиб келаяман. Бундан фахрланаман. Утган йиллар мобайнида мамлакатимизнинг шарқий, гар-бий ва жанубий районларида бўлдим. Аф-суски у ерларда ўзбек офицерлари билан бирга хизмат қилиш nasib этмаганди. Лекин бу ерда — Қизил Байроқли Туркистон Ҳар-бий округида ажойиб ҳарбийларни учратдим. Масалан, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, ис-тефодаги полковник Аҳмадхон Мамажонович Мамажонов. У кўп йиллар шу округда хизмат қилди. Унинг икки ўғли ҳам ота изи-дан бориб офицерлик касбини танлашган. Улар ҳам бизнинг округда. Ҳарбий учувчилар — Шожалиловлар сулоласи кўпчиликлса маъ-лум. Яқинда уларнинг кенжаси Рустам ҳам офицер бўлди. В. И. Ленин номидаги Тош-кент умумқўшин командирлари олий ҳарбий билим юртининг ўқитувчиси подполковник Азамат Султонов билан бир неча бор суҳ-батлашганим. У Ватан олдидаги хизматлари учун Қизил Юлдуз ва «Хўрмат белгиси» ор-денлари билан тақдирланган. Ёшларга беради-ган катта таърибаси бор.

Истардимки, маҳаллий миллат вакилларидан кўллаб ҳарбий билим юртиларига киришса, С. Раҳимов, Ф. Норхўнаев, С. Охунжонов каби генералларнинг ишини давом эттиришса.

— Сўнгги пайтларда ёш аскарларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда қандай ишлар олиб бориляпти?

— Ҳарбий ватанпарварлик ва интернацио-нал тарбия олдимизда турган биринчи ғалда-ги вазифалардан ҳисобланади. Совет давла-тининг мудофаа қудратини муттасил ошириб боришимиз учун жаҳонда биринчи социалис-

тик мамлакатнинг муносиб ҳимоячиларини тарбиялашимиз ҳар бир кун, ҳар бир соатда-ги бурчимиз. Бунинг учун уларда ўзи туғи-либ ўсган ерга муҳаббат уйғотиш, кадрларга ўргатиш, хизматга тайёрлаш, айниса, биз ҳар-бийлар елкасига катта масъулият юклайди.

Бу борада округ қўшинларида маълум бир таъриба тўпланган. Маҳаллий партия, совет ва комсомол органлари билан алоқамиз мустаҳ-кам. Биз ҳарбий қисмлардан ташқари мак-табларда, ҳунар-техника билим юртиларида, ҳамда олий ўқув юртиларида ҳам тез-тез бў-либ, ёшларни хизматга тайёрлашга алоҳида эътибор берамиз. Шунингдек, оммавий-мудо-фаа ойлғи ўтказишни анианга айлантирдик. Кўпгина қисмлар мактаб ва билим юртиари-ни ўз оталиқларига олишган.

— Сўнгги савол. Туркистонлик жангчилар ўз юбилейларини қандай кутиб олишляпти?

— Туркистонликлар бу улкан санани жан-говар ва сиёсий тайёргарликда аъло натижа-ларга эришиб кутиб олишляпти. Интизом, ташкилотчилик ва кўпмиллатли коллек-тивларда интернационал тарбия яхши йўлга қўйилди. Жанговар соҳа мутахас-сларининг кўпчилиги ўз касбининг устала-ридир. Округда қардош республикалардан келган ўғлонлар қатори ўзбекистонликлар ҳам аниатгина. Улардан тошкентлик лейтенант Бах-тиёр Тўлағенов, сержант Салоҳиддин Қамба-ров ва оддий аскер Шайдулла Шоймуродов-лар хизматда барчага намуна бўлишляпти.

Қизил Байроқли Туркистон Ҳарбий округи-нинг шахсий состави шу кунларда Бутунитти-фоқ XIX партия конференциясини муносиб кутиб олиш учун астойдил ҳаракат қилимо-да.

Суҳбатни

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ олиб борди.

★ Қизил Байроқли Туркистон Ҳарбий округи ташкил топганининг 70 йиллигига ба-ғишланган бошқа материаллар газетанинг ички раҳифаларида ўқийсиз.

А. Мантров фотолари.



Қизил Байроқли Туркистон Ҳарбий округи. Кайи ветеранлари, солдат ва офицерлари ўз байрамларини муносиб кутиб олишмоқда. Ёш-лар боболаримиз бошлаб берган шонли йўлни дадил давом эттиришляпти. Қайси бир туркис-

тонлик жангчи билан суҳбатлашманг сўзида, кайфиятида кўтаринкили ва гурур аис этиб турганлигининг гувоҳи бўласиз. Бу уларнинг жанговар анъаналарга бой шундай округда хизмат қилаётганликларидан фахрланиш ҳис.

сидир. Ветеранлар эса уларнинг доимий ва азиз меҳмонларидир.

СУРАТЛАРДА: майор В. Н. Бурдигин солдат-ларга округ тарихи ҳақида гапириб бериляпти.

Енидаги суратда эса гвардиячи прапорщикин В. Горшков. У ўн саникз йилдири, армия хизматда.

Саркардани эслаб

Қўлимиздаги 2-Зарбдор армия қўмондонин, Совет Иттифоқи қаҳрамони, армия генерали Иван Иванович Федосинский нима чексиз табриқномада жумладан шундай сўзлар ёзилган:

«Қадрли ўртоқ Ворис Соатовни Соатов. Сиз хизмат қилган 2-Зарбдор армия 1941—1945 йилларда бўлган Улуғ Ватан уруши тарихига шонли, ёрдин саҳифалар ёган. У жуда катта фронт операцияларида қатнашган, кучночи: 1942 йили Ленинград қийиндаги Любанский операцияси, 1943 йил январда Ленинград қамалидан бутунлай озод қилиш, 1944 йил сентябрда Эстонияни, 1945 йилнинг январь-февраль ойларда Польшани озод қилишда фаол иштирок этган. Улуғ Ватан урушининг хотимасида эса 2-Зарбдор армия 2-Белорусия фронтга таркибда аёвсиз жанглар қилиб, Гадабани 1945 йилнинг 8 май кунини Германиянинг шимолидаги Штралзунд райони — Рюген оролида кутиб олди...»

Сиз эса ўзингизнинг ҳаёлот меҳнатингиз, жанговар фаолиятингиз билан ана шу

Буюк Гадабага камтарона улуштингизни қўшгансиз. Сизга «2-Зарбдор армиянинг ветерани» эсдалик нишони топишриб, у босиб ўтган жанговар йўлда иштирок этганингиз билан қизғин табриқлаймиз. Сизга мустақам соғлиқ, бахт-савоат, меҳнат фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз».

... Ворис Соатов 1942 йилда Тошкент Давлат медицина институтини тутатиб, фронтга жўнаб кетди ва урушнинг сўнгги кунигага 2-Зарбдор армиянинг 37-дивизияси 86-артиллерия полки составида врач бўлиб хизмат қилди. Маълумки, 37-дивизияга биринчи ўзбек генерали, Совет Иттифоқи қаҳрамони Собир Раҳимов қўмондонлик қилган. Шу бонс Ворис ака шинелли йилларини хотирлаганда биринчи навбатда ўзбек халқининг жасур фарзанди — Собир Раҳимов номини тилга олади. У ҳақда тўлқинланадиган, узоқ ҳикоя қилади:

— Генерал билан бир ярым йил бирга хизмат қилдим, — дейди соғиб ҳарбий врач. — У одамхоҳун, зийрак бўлиб одамларга нисбатан ҳамиша меҳрибон эди. Ҳамшахримиз шу билан бирга

жасур ва зукко саркарда ҳам эди. Жангчилар ва офицерлар ўз командирларини ниҳоятда севар эдилар. Биз унинг 1945 йил 25 мартда — Гадабага 44 кун қолганида Польшанинг Гданьск шаҳридаги жангда ҳалок бўлганини эшитиб қаттиқ қайғутта тушдик. Генералдан бизга яхши ном, яхши хотира қолди.

Урушдан кейин асосий касбим — амалий тибиёт билан шуғулланишни давом эттирдим. Улуғ Ватан уруши ветерани сифатида ёшлар орасида тез-тез бўлиб тураман. Ўзим жанг қилган жойларни зиёрат қилгани борсам ёки соғиб қуролдошларим ва «Қизил излопарлар»дан хатлар олсам аксариятда Собир Раҳимов номини тез-тез учраб туради. Демак, у инсонлар қалбига яшаб қолган. Биз генералнинг жанговар дўстлари ва юрдошлари бундан фахрланамиз.

Яқинда Польша Халқ Республикасида бўлдим. Польшалик уруш ветеранлари билан биргаликда полк туپроғини немис-фашист босқинчиларидан озод этишда қатнашган афсонавий 37-дивизия жанг қилиб ўтган

жойлар бўйлаб сафар қилдик. Поляк халқи Собир Раҳимовни жуда ҳурмат қилишни қўриб қаттиқ ҳаяжонландим. Афсуски, Гадаба кунгача яшаш унга на-сиб этмади.

Иккинчи даражали Ватан уруши ордени, қўлаб медаллар, Польша Халқ Республикасининг урта эсдалик нишони, бир қанча фахрий ёрликлар билан мукофотланган соғиб жангчи, шифокор В. Соатовнинг тинч меҳнат фронтдаги фаолияти ҳам ёратилди.

Ўзбекистон ССРда хизмат қўрсатган врач, медицина фаилари кандидати Ворис Соатов Тошкент шаҳар Куйбасев районидagi 3-тери ва таносил касалликлар диспансери бош врачни бўлиб ишларини билан бирга ёшлар ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик ишларини олиб боришда ҳам жонбозлик қўрсатмоқда. У ўз хизмат қилган 37-гвардиячи ўқчи дивизия ветеранлар Совети аъзоси, ана шу Совет Тошкент бўлимининг раис ўринбосари.

Искандар РАҲМОНОВ, СССР Соғлиқни сақлаш аълочиси.

Десантчи бўлиб туғилмайдилар

Еш десантчи-жангчилар орзаниб кутган кун этиб келди. Улар ҳаётларида илк бор энг оғир имтиҳондан ўтишлари керак. Сифларда ўтказилган кўндан-кўп машғулотлар, махсус тренажёрларда бажарилган машқлар, парашют миносасидан санрашлар орада қолди. Энди улар самолётдан сакрашлари керак.

Мана, самолёт ҳам осмонга қўтарилди. У тобора кўсаликни парвоз қилар, белгиланган жанговар нуктага итиларди. Пастда эса ям-яшил далалар, кўз излагмас боллар ажабтовур кўринди. Самолётнинг бир маромада гузуланишини тўсатдан ситнал овози бузди, эшик таснадаги чирочлар ёнди. «Тай-ёрланинг» деган сўз ёзилган талба порлаб кетди. Эшик очилди, ичкарига салқин ҳаво босириб кирди.

— Кетдинг — деган команда оштилди. Одний солдат Е. Лорей самолёт остонасидан ҳатлаб, ташқарига отилди. Унинг кетидан оддий солдатлар Н. Шабалаев, О. Петров, Л. Ҳамроев, Э. Виноградов, кичик сержант А. Насонов ва бошқа жангчилар сакрашди.

Десантчи бўлиб туғилмайдилар. Вугун эса ана шу ёш янгилар оғир имтиҳондан ўтиб, десантчилик қаторига киришган эди.

Исмоил ака кеч ётди. Аввал номуна келган хатларни бирма-бир очди, ўқиди. Оловли йиллар немис фашистларига қарши қилган аёвсиз жанглар, ертўладаги қизғин сўхбатлар, юртдан келган хатларни таллашиб-тортишиб ўқишлар, ёрни соғинишлар, қўлни-қўлга бериб ўтатишлар... ҳама-ҳама-ҳама хабарда кунюндай айланавэри.

Исмоил ака яна хатларга термулди. Қуролдош С. Хандажапов буюднинг соғва қилган қиличчи эслатган, ана шу дамларни яна бир бор кўз олди-га келтирганди. Ҳақиқатан ўша йилларнинг тарихи узун ва қизиқарли...

Исмоил ака кеч ётди. Аввал номуна келган хатларни бирма-бир очди, ўқиди. Оловли йиллар немис фашистларига қарши қилган аёвсиз жанглар, ертўладаги қизғин сўхбатлар, юртдан келган хатларни таллашиб-тортишиб ўқишлар, ёрни соғинишлар, қўлни-қўлга бериб ўтатишлар... ҳама-ҳама-ҳама хабарда кунюндай айланавэри.

Исмоил ака яна хатларга термулди. Қуролдош С. Хандажапов буюднинг соғва қилган қиличчи эслатган, ана шу дамларни яна бир бор кўз олди-га келтирганди. Ҳақиқатан ўша йилларнинг тарихи узун ва қизиқарли...

— Бундай хатлар ҳар йили келадими? — сўраймиз.

— Ҳа, ҳар байрамда бир-биримизни табриқлаймиз.

— Уруш тугаганидан бери-я! — Йўқ! — деди Исмоил ака бирпас ўйланиб. — Биз бир-биримиз билан кейинчалик топишдик.

— Нега?

— Бунинг тарихи узун... — Исмоил ака жим қолди, — Тўғрисини айтсам, қуролдошларим мени роса излашдики. Доғистонлик қуролдошлар С. Хандажапов «Ватан учун бўлган жангларда» китобини ёза-ётиб менинг тарихим билан қизиққан ва республика коммиссариютига хат йўллайди. Никоят менинг ҳаёт эканлигини билган 3-гвардиячи кавалериячи дивизия ветеранларининг учрашувига таклиф этишди. Ушунда командирим Ягодин билан учрашдим.

— Юлдузинг қани? — деб сўради Ягодин.

— Қанақа юлдуз? — сўради мен.

— Дивизия сени қаҳрамонликка тасвиз этганиди-ку... — Йўқ, бундан хабарим йўқ.

— Эҳтимол, ҳужжатлар йўқолганимики...

Шундан сўнг ветеранлар Исмоил Салимовнинг Улуғ Ватан уруши йилларидаги қаҳрамонликлари ҳақида турли ташкилотларга хатлар йўллашди.

«Бизларнинг казаклардан иборат гвардиячи кавалериячи корпусимиз кўп миллатли фарзандлардан ташкил топган эди, деб ёзишди 3-гвардиячи кавалериячи дивизиянинг ветеранлари. — Унинг тарихида 40 дан зиёд миллат ва элат фарзандлари жанг қилишди. Улар дўшман газандарини билан охирги томчи қон қолгунча курашди. Биз ҳақон ўзбек халқининг мард ўғлини Исмоил Салимов билан ҳақли равишда фахрланамиз».

Афсуски, Исмоил Салимов тақдир билан республикамизнинг айрим ташкилотлари етарли қизикмади. Исмоил Салимов жасорати ҳақида ёзилган китоб ва ўнлаб хатларни уруш ва меҳнат ветеранлари республика Советининг раиси Расул Ғуломович Ғуломовга қўрсатдим.

— Мана шундай ҳақиқий қаҳрамонларнинг тақдир билан қизиқиш бурчимиз, — деди Расул ака. — Ветеранларнинг мактубида баён этилган орзу қин ўртада амалга ошса ажаб эмас.

Ҳа, ажаб эмас! Соғлиқ ва тинчлик баён этилган соғин хатлари ҳақон оқ каптардек юрт бўйлаб учмоқда. Оқ каптарлар ҳақон бахт, орзу ва иқбол улашяпти.

Мирзакарим ПИРМАТОВ.

М. Назаров фотоси.

Музейда

Улар Туркистонни душманлардан мардонавор ғалаба қилган кишилар, 20-йиллар қаҳрамонлари.

Иккинчи қанатга қўтарилган, ота-боболарининг Улуғ Ватан уруши фронтларида қўрсатган жасоратлари ҳикоя қилинади. Унутулмас у кунлар шухрати. Биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов, дивизия комиссари Е. П. Риков, афсонавий саркарда И. В. Панфилов, Туркистон ҳарбий округининг соғиб қўмондонин, армия генерали И. Е. Петровнинг номини ким билмайди, дейсиз. Вугун кунда Ватанимизнинг жанубий сархалдар тинчилигини ҳимоя қилаётган улар билан чексиз фахрланишди. Улар қаторида Афғонистонда ўз интернационал бурчини шараф билан адо этган ёшлар ҳақида материаллар. Турган таппи, бу 80-йиллар комсомолларини жасорат илминини ота-боболаримиздан олишган.

Равшан АБДУЛҲАЕВ.

Командирга тенглашиб

Оқ каптарлар

— Худди казакнинг ўзи-я! — деди буюднинг ва қўлидаги қиличга кўз югуртириб шундай деди: — Казак бобонинг муқаддас қиличчини энг доғирок жангчиға топишриш ниятида эдик. Генерал сенинг номзодингизни эди. Марҳамат, казак бобонинг қиличчини қабул қилиб ол!

Исмоил Салимовнинг юзлари ҳаяжондан қизарган эди. — Совет Иттифоқиға хизмат қилмаман!

— Раҳмат! Шундай хизмат қилинми, юртимизга ҳеч қачон ёв босиб қиролмасин.

Исмоил қиличчи қинидан чиқариб арақлаб турган тиги-га лабларини теккизд...

Муқаддас қилич Исмоил Салимовга ҳамиша ҳамроҳ бўлди. Мана шу қилич билан не-не фашистларнинг додини берди, уларни юртимиздан ҳайдаб чиқарди. Мана шу қилич туфайли шон-шухратга эришди.

Исмоил ака яна хатларга кўз тикди. Черкасиклик қуролдош Мухаммад Оқбевнинг ёзувларини ўқиб бошлади.

«Қаҳрамон Исмоил! Улуғ Ватан уруши жанговар комиссари, бош ҳарф билан ёзилган ИНЧОН, пўлатдай тобланган коммунист, содиқ ўртоқ, синалган интернационалист, ягона фидоили бўлган Сизни соғиндик. Сизнинг ҳаётингиз, фаолиятингиз, душманга нисбатан нафратингиз, мардлигингиз ва жанговар жасоратингиз, одамлар билан мулоқотда дилдан ҳамсўхбат бўлишингиз бизларни ҳамиша қаҳрамонликларга илҳомлантирмоқда».

Ветеран яна хатларга кўз югуртиради.

Казак бобо муқаддас қиличчи М. С. Буюднингга топишди.

Афсонавий қаҳрамон қиличчи олиб ташқукур билдираркан, казак бобога қарата: — Раҳмат, бобо, бу бекаҳон қилич, — деди. Сўнг казак-

Оқ каптарлар

Оқ каптарлар

Оқ каптарлар

Оқ каптарлар

Оқ каптарлар

Оқ каптарлар

Оқ каптарлар

Оқ каптарлар

Оқ каптарлар

Оқ каптарлар

Оқ каптарлар

Оқ каптарлар

Оқ каптарлар

Оқ каптарлар

Оқ каптарлар

Оқ каптарлар

Оқ каптарлар

Оқ каптарлар

Оқ каптарлар

Оқ каптарлар

Оқ каптарлар

Оқ каптарлар

Оқ каптарлар

Оқ каптарлар

Оқ каптарлар

Оқ каптарлар

Оқ каптарлар

Оқ каптарлар

Оқ каптарлар

Оқ каптарлар

Оқ каптарлар

Оқ каптарлар

Оқ каптарлар

Оқ каптарлар

Оқ каптарлар

Оқ каптарлар

Оқ каптарлар

Ўқишга марҳамат!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ
ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ

ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ

1988-1989 йилда

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

3-ЎРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

БИЛИМ ЮРТИДА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛАР
ТАЙЁРЛАНАДИ:

саноат асбоб-ускуналари ремонт буйича слесарь, механика-йиғув ишлари слесари, электр-газ пайвандчи, фрезерчи, электр монтёр (электр монтажчи), кенг профилдаги станокчи, техника назорати бўлимининг контролёр, прессовчи-штамповачи, машинали-контакт пайванд буйича электр пайвандчи, сонли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори.

Ўқиш муддати — 1-3 йил.
ЎҚИШГА 8-10 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БУЛГАН ИГИТ-КИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

3 йиллик таълим гуруҳларининг тамомлаган ўқувчиларга ўрта хуна-техника билим юртини тугатганлик ҳақида диплом берилади.

8-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар ўқиш даврида 3 маҳал оқват, бепул ўст-бош ва коржомалар билан таъминланадилар, 10-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар стипендия оладилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга иш ҳақининг 50 проценти тўланади.

Бошқа шахарлардан келганларга секция типидagi ётоқхонадан жой берилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини тамомлаб чиққан ўқувчилар «Ташсельмаш» заводига ишга юборилади.

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаган ўқувчиларга ҳукумат қарорига биноан билим юртини тамомлагандан кейинги мажбурий иш стажисиз ўқишга кириш ҳуқуқи билан олий ўқув юртиларига йўллама берилади.

Билим юртида техника ижоди, бадий ҳаваскорлик, фото тўрақлари, спорт секциялари ишлаб турибди, билим даргоҳининг Чорвоқ посёлкаси районида Ёшги дам олиш базаси мавжуд.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: ариза, тутилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, саломатлиги ҳақида справка, яшаш жойидан справка, 6 донa фотосурат (3x4 см. ҳажмида).

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН ВОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 50-алоқа бўлими, 7-йе кўчаси, 54-уй (21, 49-а автобусларнинг «3-СНП» бекати, 16, 89-автобусларнинг «Насб касалликлар институти» бекати), метронинг «М. Горький» станциясидан ҳар кунга соат 8.30 дан бошлаб билим юртининг хизмат автобуси қатнайди.

33-АВИАЦИЯ ЎРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Учин аппаратларнинг слесарь-йиғувчиси, механика-йиғув ишлари слесари, ремонтчи-слесарь, ларчинлаб иш бажарувчи, кенг профилдаги станокчи (токарь, фрезерчи, чархловчи, сонли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори).

ЎҚИШГА 8-10 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БУЛГАН ИГИТ ВА КИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўрта мактабни битирган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 6-10 ой.

Билим юртини тамомлагач ўқувчиларга тегишли касб буйича малака олиб чиқгани ҳақида диплом берилади.

Ўқувчилар ўқиш даврида 65 сўмдан стипендия оладилар.

8-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 3 йил. Билим юртини тамомлагач уларга тегишли касб буйича малака олиб чиқгани билан бирга ўрта маълумот ҳақидаги диплом берилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар ётоқхона, 3 маҳал оқват ва иш кийими ва ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топан меҳнат ҳақининг 50 проценти билан таъминланадилар.

Ўқиш муддати умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

МАШҒУЛОТЛАР РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БУРИЛАДИ.

Билим юртини битириб чиққанлар В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига йўллама оладилар.

Билим юрти спорт базасига эга. Унинг қошида волейбол, футбол, сузтиш, бокс, эркин кураш буйича спорт секциялари, анимоделчилар, бадий суз тўрақлари, юкал-чолгу ансамбли, миллий чолгу асбоблар ансамбли, луковой оркестр, радиотўрақ, тасвирий санъат студиялари ишлаб турибди.

Билим юртида кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш шарт: директор номига ариза, 8-синф тамомлаганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки ўрта маълумот ҳақидаги аттестат, тутилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, медицина справкasi (086/У форма), 6 донa фотосурат (3x4 4x5 см. ҳажмида).

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН ВОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: 700207, Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (30, 8, 171-автобуслар; 6, 29-трамвайларнинг «С. М. Кадиев номидаги билим юрти» бекати). Телефонлар: 96-58-20, 96-39-72, 96-47-70.

56-ЎРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ХОТИН-КИЗЛАР БОЛАЛАР ЭРКАКЛАР УСТКИ КИЙИМЛАРНИ ТИКИШ БЎЙИЧА ТИКУВЧИ-МОТОРИСТКА ТАЙЁРЛАНАДИ.

Ўқиш муддати — 3 йил 6 ой.

БИЛИМ ЮРТИГА ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ ПОЙТАХТГА ЯҚИН РАЙОНЛАРИДА ЯШОВЧИ 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БУЛГАН ЁШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

8-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган ёшлар 3 йил ўқийдилар ва улар бепул оқват, кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўқиниши битирганларидан сўнг ўрта маълумот ва эгаллаган касблари ҳақида диплом оладилар.

Ўрта маълумотлилар 1 йил, 6 ой ўқийдилар ва уларга ҳар ойда 30 сўмдан стипендия тўланади.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида меҳнат ҳақларининг 50 процентига ўқувчиларга билим юртини аъло баҳоларга битирган ўқувчиларга олий ўқув юрти ва техникумларга йўллама берилади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕХНАТ СТАЖИГА ҚўШИЛАДИ.

Билим юртида спорт комплекси ва ҳар хил тўрақлар мавжуд, шунингдек пулики автомобиль ҳайдаш курси бор.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: ариза, маълумоти ҳақида шаходатнома, тутилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, сонлиги тўғрисида справка, 6 донa 3x4 см. ҳажмидаги фотосурат, характеристика, турар жойидан справка, автобиография.

ҲУЖЖАТЛАР СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: 700198, Тошкент шаҳри, Сергели райони, «Кўйлик-5» массиви, 50-уй (37а, 45, 55-автобуслар; 26-трамвай; 11, 31 маршрутли таксининг «Диспетчерская» бекати). Телефонлар: 90-19-71, 90-18-81, 90-60-09.

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ
ДЎСТЛИГИ САРОИДА

11, 12, 13 МАЙ СОАТ 19.30 ДА

Ўзбекистон ССР халқ артисти

НУРИДДИН ҲАМРОҚУЛОВ

ИШТИРОКИДА

катта концерт

ҚАТНАШАДИЛАР:

Дадахонов ҒАНИЕВ, Зухумор ҚОДИРОВА
Программани — Машраб НАЗАРОВ олиб боради.
Касса соат 14.00 дан очил.

Тошкент давлат циркида

ЯНГИ ПРОГРАММА

МОСКВА ВА ЛАТВИЯ ЦИРКЛАРИ

АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

РСФСРда хизмат кўрсатган артист А. КОРНИЛОВ

ИШТИРОКИДА

Африка ва ҳинд филлари

Катта аттракциони

2 бўлимдан иборат ранг-баранг программа.
ТОМОШАЛАР — соат 19.30 да, шанба кун 16, 19.00 да, якшанба кун 12, 15, 18.00 да ВОШЛАНАДИ.
Касса дам олиш кунисиз соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИШ ТУШИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Справкалар учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84.

ХАЛҚҚА ХИЗМАТ — ОЛИИ ҲИММАТ

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИДАГИ

28-ПОЛИКЛИНИКА ҚОШИДА

«Саломатлик» кооперативи очилди

Янги кооперативда ЛОР, окулист, алерголог, алерго-педиатр, эндокринолог, гастроэнтеролог, психиатр, гинеколог, уролог, невропатолог (ишга санчиш билан доволаш, чеккишга қарши доволаш), стоматолог-протезист касблари буйича юқори малакали мутахассислар аҳолига консултация-диагностика ёрдами кўрсатадилар.

Шунингдек, бу ерда ички органлар УЗД (ультра товуш диагностикаси) текширилади, гастроэнтеролог текширишлар ўтказилади ва ошқозон-ичак касалликлари доволанади.

КООПЕРАТИВ ҲАР КУНИ СОАТ 18 ДАН 22.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, Д-20 кўчалари, 4-а» уй (6, 11, 19-троллейбуслар; 50, 78, 87, 94-а автобусларнинг «Заргарлик заводи» бекати). Телефонлар: 75-87-70, 76-38-73.

Диққат! Шошилиш химчистка

«ИВАНОВОЛИК ТЎҚУВЧИЛАР»

МАССИВИДА

(2-вагон депоси территориясида)

ЯНГИ АТЕЛЬЕ ОЧИЛДИ

КИЙИМ-КЕЧАКЛАРНИ ТОЗАЛАБ БЕРИШ БЎЙИЧА БУЮРТМАЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТИ — 24 СОАТ.

32-автобус; 25, 32-маршрутли таксиларда бориш мумкин.



ТОШКЕНТ «ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИ.

ҲАМ САЛҚИН ҚИЛАДИ, ҲАМ ЧИРОЙ БАҒИШЛАЙДИ!

ҲОЗИРЧА ҚУЕШНИНГ АЙТАРЛАК ИССИҚ БУЛМАГАН НУРЛАРИ КИШИГА ХУЗУР БАҒИШЛАЙДИ.

Бу нурлар тўр парадан ўтиб, уй ичинга ҳам ёришиб турибди. Аммо ҳадемай ёз бошланиб, қуёш нурлари шундай қизига бошлайдики, соя-салқин жойини қидириб қоласиз.

Ана шунда ёллик дарпардалар сизнинг ҳожагингизни қидириши мумкин.

Гулдор, кўркам дарпардалар кўш нурдан пухта муҳофиза қилади. Агар чеварлик қилиш қўлингиздан келса, хонаингиз гулдозорлар, мебель жиддларга мослаб газлама сотиб олишингиз,

ундан парда тикишингиз мумкин.

Бунинг учун сизга ёки гулдор ил-газлама, шойи, каноп газламалар айниқса мос.

ТОШКЕНТ МАРКАЗИИ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИДА

РАНГ-БАРАНГ ГАЗЛАМАЛАР. МАВЖУД.

Бу ердан сиз дидингизга мос, истаган газламанингизни сотиб олишингиз мумкин.

Мамакатимизда ишлаб чиқарилган ва чет эллардан келтирилган ана шу газламаларнинг 1 метри нархи 1 сўм 56 тийиндан 14 сўм 40 тийингача.



ЦУМ (телефон 45-37-24).

«Союзторгреклама» Бутуниттифок бирлашмасининг

Ўзбекистон агентлиги.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет нури-лиш ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08-74, 32-57-84; шахар ҳўжалиги, саноат ва илмий хизмат — 32-55-39; кинематография — 32-58-85; фан ва ўқув юртилари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-аътафларнинг тарбияси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Ким гўзал, менми ё гул,
Ким қилдан олган чирой?

Р. Шарипов фототўюди.

Бувижон, ўқиб беринг

Пьер ГАМАРРА,
француз ёзувчиси.

Бахт ва эрк овози

Эртақ

Ярим кеча... Ҳамма тинч уйқуда. Қизча ҳам ширин ухляпти. Фақат Ой нури даладарда сайр қилиб қўлундай, лавия ва нўхталарни эркаларди...

— Салом, эй, Ой нури. Қаерга шовилла-сан! Нега бунча тез кетипсан! — дебди нўхат ва лавиялар.

— Шовқин қилмагилар, Қизча ухляпти, — дебди қўлундайлар.

Бу сўзни эшитган Ой нури:

— Бу қанақа Қизча экан ўзи, бир кўрай-чи! — деб дараза пардалардан сирпаниб ўтиб, Қизча ухлаб ётган хонага кирибди.

— Бу гўзал Қизча ўз онаси ва бувисси билан бирга яшайди, — дебди дараза пардалар.

— Бас қилинг, Қизча ухляпти, — дебди қаработ.

— Унинг оти нима экан! — яна сўрабди Ой нури қизқичиб.

— Оти Қизча, — деб жавоб берибди даразадан осигилик соат. — Унинг отаси урушда ўлган.

— Жим бўли! Бу сўзни айтма! — дебди дараза пардалардан сирпаниб.

— Қаранг, у уйляпти. Нималарни ўйлаётган экан бу жаконин Қизча! — дебди Ой нури.

— Қизча урушда ҳалок бўлган дадаси тўғрисида ўйляпти...

— Бу сўзни айтма. Бу даҳшат-ку! — дебди дараза пардалардан сирпаниб.

Бу кеча Шамол пардаларини қилпиради Қизча ухлаб ётган хонага кирибди. Қизчага нималар бўлганини бира-бир шикирлаб айти бошлабди.

— Уша кеча ҳаво очилди, қолдулар чарақлаган эди. Фақат сонин кечани момаландирокнинг гулбарлаши бўзди юборди. Бу гулбарлаш қора қўшларнинг овози эди. Улар эрта туша бошлайдилар. Ерта қўшларини билан дарё ёна бошлади. Ҳаммаёқ худди кундузгидек ёришиб кетди... Уларнинг даразалари оловдан қўлдек қизариб кетди... Мени эшитпаксизми! Бирорта ҳам уй, бог ва бугдоя дала-ларки қолмади. Ҳаммаси ёниб қўлга айланди...

Болалар, оналар, қариялар, ҳамма-ҳамма чикириб йиғлар, дод соларди. Бу даҳшатли, ёвуз уруш эди...

— Айтма бу сўзни! Бу даҳшатли! — дебди дараза пардалардан сирпаниб.

Қизча эснаб, кўзларини ишқалаб ўйғонибди. У жуда ҳаф ва гамгин экан. У фақат ҳаёл сурар экан.

— Мен қора қўшлар бўлмаган, ўқилар чиройли, богларда гуллар очилган бахт ўлкасига кетишни хоҳлайман.

— У кетокчиси, у кетокчиси, аямо уни ўқириб кета олмайсиз, — дебди Шамол майини эскарган.

— Мен ҳам олиб кета олмайсиз, — дебди Ой нури.

Богдаги гуллар кета олмайми, бизнинг илди-зимиз бор, — дейишди.

— Бизларнинг ҳам илди-зимиз бор, — дебдилар қўлундай ва лавиялар.

— Бирор нарсга ўйлаб топайлик, бўлмаса, — гапга аралашибди география китоби. — Менинг бир масаладани бор, қуш топшиқими керак. Қани, сизлар қуш изланг. Мен эса картадан ажойиб мамлакатни топиб тураман.

Сизлар қушини, мен эса мамлакатини топгач, Қизчани ажойиб мамлакатга олиб бориб қўйишни ўша қушга айтмайми...

Шамол билан Ой нури қушини қанча қидирмасинлар, барбир ун топ олмадилар.

— Чиройли қуш, эй гўзал қуш қаердасан! — дебди Шамол назик овоз билан.

Шу пайт бирдан Ой нури:

— Маана, маана, бу ёққа қара, ҳуа ановин даразадан нур таралапти! — дебди.

— Ҳа, кўрялмай.

— Даразининг орқасидан-чи! У ерда ким!

— Даразининг орқасида оқ қозғоларнинг олдида бир киши кўриняпти.

— Қани, олдида қилишайлик-чи!

— У кишининг оти нима экан!

— Унинг оти Пабло Пикассо. У тинчлик

эмблемаси бўлган «Тинчлик кабутирини» чизган машҳур француз rassomi ва жамоат ар-бобидир.

— Жаноб Пикассо, жаноб Пикассо, — шикирлабди Ой нури.

— Салом, жаноб Пикассо.

— Салом дўстларим! — дебди rassom. — Мендан нима истайсизлар!

— Қуш излаб юрибмиз, бизга қуш керак, жаноб Пикассо. Қизчани ажойиб мамлакатга олиб бориш учун бизга катта ва кучли қуш керак!

— У ким ўзи! Қанақа қизча! Нега унга қушча керак! — сўрабди rassom.

— У урушдан қўрқяпти, жаноб Пикассо, — деб пичирлабди Шамол.

Rassom бир оқ қозғ олиб унга расм сола бошлабди.

— Вой, бу кабулар-ку, жаноб Пикассо! — дебди Ой нури.

— Бу қуш бизгами!

— Ҳа, ҳа, сизларга!

Шу пайт унинг қуши бирдан даразадан чиқиб Қизча ухлаб ётган томонга қараб ўчиб кетибди.

Кабулар ўчиб келиб дараза тахтасига қўнибди ва Қизчага қараб гўл-гўлалабди.

— Салом Оқ қуш, мени ажойиб мамлакатга олиб кетганингизга! — шикирлабди Қизча.

— Ҳа, худди шундай, қани менинг елкамга ўтириб ол-чи, жаконин қизча, — дебди кабулар. Қизча кабуларнинг елкасига миниб олибди. Қуш ҳавога қараб парвоз қилибди. Кабулар булутлар оралаб, қанотларини кериб учаркан. Шамол эса қушининг ёнида Қизчага пастдаги воқеаларни сўзлаб бораган.

— Булар шахар, — дебди Шамол.

— О, қандай гўзал шахар! — қичқирибди Қизча.

— Бу эса, одамлар яшайдиган Ери! — дебди Шамол.

— О, қандай гўзал!

— Маана Альп тоғлари, буниси Кавказ, бу эса Урал тоғлари. Маана поёнисиз Совет Иттифоқи... Бу жуда ажойиб катта мамлакат.

— Бунда ҳамма қўшиқ айтиб, ишлайди! — пичирлабди Қизча.